



## Гарбда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги таълимотларни пайдо бўлиши ва ривожланиши

*Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани бўйича  
ИИО ФМБ 5-сон ички ишлар бўлими  
профилактика инспектори лейтенант*

*Эсанов Ахрор Адҳам ўғли*

***Аннотация** Ушбу мақолада гарбда вужудга келган ҳуқуқий таълимотлар, уларнинг ташкил топиши, шаклланиши, ҳуқуқий таълимотларнинг тарихий ва назарий жихатларини ўрганишининг моҳияти, ҳуқуқий таълимотларнинг турлари, ижтимоий ривожланиши ва унинг тараққиёти, улар асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишининг аҳамияти, “оммавий маданият” ва профилактика инспекторини оммавий маданиятнинг профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этишидаги ташкилий-ҳуқуқий асослари, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришининг аҳамияти ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар:** Ҳуқуқ, жиноят, ҳуқуқбузарлик, профилактика, антик давир, оммавий маданият, ижтимоий ривожланиш, Ўзбек халқи, мутафаккир, уруг, қабила, элат, инсон ҳуқуқлари, ахлоқий фазилят.*

## Возникновение и развитие доктрин профилактики преступности на Западе

***Аннотация** В статье рассматриваются правовые учения, возникшие на Западе, их организация, становление, сущность изучения историко-теоретических аспектов правовых учений, виды правовых учений, их социальное развитие и прогресс, значение организованной преступности. профилактика на*



их основе, «массовая культура» и общественный инспектор по профилактике. Рассмотрено значение организационно-правовых основ организации деятельности по профилактике культурных нарушений, изучения опыта зарубежных стран по предупреждению правонарушений и развитию взаимной профилактики. особое внимание уделяется сотрудничеству.

**Ключевые слова:** Закон, преступление, правонарушение, профилактика, древность, массовая культура, социальное развитие, узбекский народ, мыслитель, род, племя, нация, права человека, моральная добродетель.

### **The emergence and development of doctrines of crime prevention in the West**

**Annotation** In this article, the legal doctrines that arose in the West, their organization, formation, the essence of studying the historical and theoretical aspects of legal doctrines, the types of legal doctrines, their social development and their progress, the importance of organizing crime prevention based on them, "mass culture" and the public prevention inspector The importance of organizational and legal bases for the organization of activities on the prevention of culture, the study of the experiences of foreign countries in the prevention of violations and the development of mutual cooperation is highlighted.

**Key words:** Law, crime, offense, prevention, antiquity, mass culture, social development, Uzbek people, thinker, clan, tribe, nation, human rights, moral virtue.

Инсоният тарққийетининг барча босқичларида ҳуқуқбузарлик, шу жумладан жиноятлар, уларнинг сабаб ва шароитлари инсонлар учун энг салбий ва ижтимоий хавфли ҳодисалар сифатида азал-азалдан унга нисбатан профилактик чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилиб келган.

Ўзбек халқининг энг қадимги тарихи ҳақидаги бизгача етиб келган манбаларда ҳам ҳуқуқбузарликлар, уларнинг сабаб ва шароитлари ҳамда



профилактикаси ҳақидаги масалаларни ўрганишга ҳаракат қилганимизда доимо инсон таълим-тарбиясига оид таълимотларга асосий эътибор берилганлигининг гувоҳи бўламиз. Буюк файласуф Арастунинг «жиноятларнинг олдини олиш – бу авваламбор бузуқ ва ақлга зид бўлган одатлар билан курашдир, яъни жамиятни шундай қуриш керакки, у ақлга зид бўлган, бузилган ахлоқ, урф ва одатларга қарши курашсин» деган таълимоти ҳуқуқбузарликлар профилактикасида муҳим аҳамият касб этади [1].

Мазкур таълимотлар истиқлол йилларида шаклланиб, бугунги кунда ислоҳотлар натижасида ҳар томонлама такомиллашиб бораётган Ўзбекистон ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизимининг маънавий асослари сифатида давлат сиёсатининг ўзаги бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг аҳамияти ҳам шундаки, агар ҳуқуқбузарликларга нисбатан профилактик чора-тадбирлар барча давлат органлари, ташкилот, муассаса, корхоналар, барча нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан ўзаро ҳамкорликда ва комплекс ёндашув ҳамда қамраб олиш асосида амалга оширилсагина, жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг камайишига, Ўзбекистон халқининг тинч, осойишта ва фаровон турмуш тарзи таъминланишига эришилади. Зеро, “ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариш зарур” [2]. Бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги таълимотларни ўрганиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги қадимий қараш ва ғояларни ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, бугунги даврда инсониятнинг дунёқараши тобора ривожланиб, турлича илмий-назарий кашфиётлар олиб бормоқда. Дунёқараш масалаларида ахлоқий муаммолар асосий ўринни эгаллаган. Чунки унда инсон олдида кундалик ҳаётда кўндаланг бўлиб турадиган муаммолар қўйилади: моддий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий. Маълумки, этикада кишилар нима яхши, нима ёмон, ахлоқий нуқтаи назардан



инсоннинг қандай хатти-харакатларида тўғри ва қайсилари ноахлоқий каби масалаларга жавоб топадилар. Антик даврнинг машхур мутафаккири Арасту ахлоқнинг жамият ҳаётидаги муҳим аҳамиятига тўхталиб шундай деган эди: “Табиат инсон қўлига қурол – ақлий ва ахлоқий куч берган, аммо у шу қуролни тескари томонга нисбатан ҳам ишлатиши мумкин; шу сабабли ахлоқий таянчлари бўлмаган одам, энг инсофсиз ва ёввойи, ўзининг жинсий ва дид майлларида энг тубан мавжудод бўлиб қолади”[3] . Мутафаккирнинг бу фикрларини таҳлил қилар эканмиз, ахлоқ дарҳақиқат, жамият тараққиётида, шахс ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Инсонни камолот босқичига кўтаришда ижтимоий онг шакли бўлган ахлоқнинг роли инсоният тарихининг ҳар бир тараққиёт даврида ўзига хос тарзда ривож топиб боради. Инсон ўзининг ахлоқий қиёфаси, фазилатлари билан жамиятга таъсир этади. Шу билан жамият ҳам инсонийлашиб, етуклашиб боради. Ибтидоий жамиятда иқтисодий ҳаёт, моддий турмуш даражаси ниҳоятда мураккаб, қийин бўлганлиги туфайли қарияларни, касалларни ўлдириб, гўштини ейиш одат бўлган. Ўз синглисига уйланиш эса уят, айб ҳисобланмаган. Одамлар уруғ, қабила, элат бўлиб яшаб бориши билан, тузум, давр ўзгариши билан одамларнинг ахлоқий муносабатлари ўзгариб, ривож топиб боради, ахлоқий тушунчалар, принциплар, қоидалар янгича маъно касб этиб боради. Жумладан, яхшилик ва ёмонлик, бурч, бахт, ҳалоллик, виждон каби ахлоқий тушунчалар даврдан даврга ўтиб ўзгариб, ҳатто бир-бирини истисно қилиб боради. Аммо таъкидлаш лозимки, кишилик жамиятининг илк даврида юқорида баён этилган, ҳозирги замон нуқтаи назаридан қораланган ахлоқий хаттиҳаракатлар билан бирга ижобий, яъни меҳнатсеварлик, бирдамлик, тўғрилиқ, содиқлик, ҳалоллик каби жиҳатлар ҳам бўлган. Агар бошқага аталган таомни билмасдан тановил қилиб қўйган бўлса, бир суткага бормай ҳалок бўлган, улар учун энг оғир жазо жамоадан ҳайдалиш бўлган, чунки уларнинг бир ўзи ҳаёт кечира олмаганлар. Шунинг учун ҳам бу жамиятни ахлоқ жамияти деб аталган, ахлоқий нормалар қонун даражасида қаралган. Давр ўзгариши, ақлий



меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши ва жамият тизими ўзгариши билан кишиларнинг ижтимоий ҳаёти ҳам, инсонларга бўлган муносабат ҳам ўзгариб боради[4]. Юқоридаги ахлоқий иллатларга чек қўйилади, ахлоқий онги ўзгариб, ахлоқий муносабатларида, амалий фаолиятида ҳам бу ўзгариш ўз инъикосини топиб боради. Ахлоқ ҳақидаги фан – “этика”га асос солган Аристотел (бизда у Арасту деб аталади) антик даврнинг бошқа файласуфларига нисбатан ахлоқий муносабатларнинг табиатини теран тадқиқ эта олди. Унинг фикрича, ахлоқий фазилат руҳнинг ҳолати бўла олмайди, уни инсонларга табиатнинг ўзи бермайди, балки табиат фазилатли бўлишнинг имкониятларини яратади, холос. Барча ахлоқий фазилатлар – адолат, дўстлик, муҳаббат, мардлик, мўътадиллик, саҳийлик, сулҳпарварлик, хушфёъллик ва ҳоказолар фақат инсон фаолиятида намоён бўлади.

Ахлоқий фазилат фаолият, хатти-ҳаракат демакдир. Адолатли ишларни бунёд этиш билан, - таъкидлайди Арасту, - одам адолатли бўлиб боради, мардона ҳаракат билан мард бўлади. Одам жамиятда яшагани сабабли унинг ахлоқий фазилатлари ҳеч қачон соф, холис ҳолда намоён бўлмайди, балки фақат ижтимоий фаолиятдагина амалга ошади. Шунинг учун барча ахлоқий фазилатлар – ижтимоийдир, дейди Арасту. Юнон олимларидан Сукрот ҳам, Демокрит ҳам, Афлотун ҳам ахлоқ масалаларига алоҳида тўхталганлар. Жумладан, бу мутафаккирларнинг қуйидаги фикрлари, ҳикматлари диққатга сазовор: “Мард бўлиш учун, мардлик ҳақидаги билимни эгаллаш керак”, “Қаноатли бўлиш учун, ҳиссиётларга йўл қўймаслик керак”, “Адолатли бўлиш учун, бировларга қандай қилиб яхшилик қилишни ўрганиш керак”, – деб Сукрот таълим берса, ахлоқни биринчи марта билим билан узвий боғлиқлигини таъкидласа, Афлотун яхшилик ғояси ҳақида фикр юритиб, “яхшилик ғоясида гўзаллик, меъёр, ҳақиқат” каби тушунчалар уйғунлашган бўлишини баён этади. Демокрит эса “инсонни бахтли қиладиган нарса пул ҳам эмас, жисмоний куч ҳам



эмас, балки ҳақиқат ва ҳар томонлама доноликдир”, “Энг оғир пайтда ўз бурчига содиқ бўлиб қолиш, буюк ишдир”, “Меъёрдан ўтиб кетса, ширин нарса ҳам аччиқдир”, – дейди. Фақат Ғарб мутафаккирлари эмас, балки Шарқ мутафаккирлари ҳам жамият тараққиётида ахлоқнинг ролига жуда катта диққат-эътибор қаратган. “Инсоният тафаккури тараққиётида илк бора эзгу ният, эзгу сўз ва эзгуликка асосланган амалиёт бирлиги ҳар қандай ижтимоий ривожланишнинг асоси эканлиги тўғрисидаги буюк таълимот Зардўшт гоҳларида шакллантирилган эди. Фуқаролари бошқа фикрни ўйлаб, бошқа сўзларни айтишга ва яна бошқа амалий ишлар қилишга йўналтирилган жамият муқаррар тарзда таназзулга юз тутиши мумкинлиги тўғрисидаги инқилобий ғоя ҳам айнан шу таълимотга мансуб. Инсоният эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амалиётга изчил амал қилибгина инқироздан қутилиши ва фаровон ҳаётга етишиши мумкин, деган пурҳикмат хулосалар чиқарилган”[5] . Европа Уйғониш даврининг мутафаккирлари ахлоқий қадриятларга трансцендентал ахлоқ нуқтаи назардан эмас, балки реал, амалий ахлоқ, ҳаётий, дунёвий нуқтаи назардан қарай бошладилар. Голланд файласуфи Спиноза ахлоқни илоҳийлаштириб талқин этишни танқид қилди. У ақлни ахлоқнинг асоси деб эътироф этиб, кишининг хатти-ҳаракатлари фақат унинг ўзига боғлиқ, одамнинг ўзи яхши-ёмонни ажратишга қодир эканлигини таъкидлайди, инсоннинг тафаккури қудратига ишонч унинг ахлоқий таълимоти ютуғидир. Англияда янги даврнинг мафкурачиси бўлган Жорж Беркли Ирландиянинг оғир ҳолатига бефарқ бўлиб қолмаган. Чунки Ирландия Англиянинг биринчи колониясига айланган эди. Бунга унинг Ирландиянинг иқтисодий жиҳатдан юксалишига бағишланган асари мисол бўла олади. Беркли бу асарида иқтисодий сиёсатнинг долзарб масалаларини риторик саволлар шаклида ҳал этишга уринади. Унинг диққат-эътибори марказида бойликнинг асосий манбаи нима? Ер бойликми? – деган саволлар туради. Ахир биз аввало, халқнинг меҳнат фаолиятини қадрлашимиз керак эмасми, чунки халқнинг меҳнат фаолияти бойликни яратмайдими ва ҳатто,



ерни ҳам бой қилмайдими? Халқнинг оғир иқтисодий аҳволига сабаб, - дейди Беркли, - кишиларнинг дангасалиги, меҳнат қилишдан бўйин товлашлари, деган фикрни ўртага ташлайди. Шунинг учун ҳам камбағалларни ва дайдиларни меҳнат уйларига жўнатишни таклиф этади. Иқтисодни кўтариш ва миллий бойликни ўстириш тўғрисидаги Берклининг таклифлари эътиборга лойиқ.

Агар XVII аср фалсафаси инсонни ақлли мавжудот сифатида талқин этган бўлса, XVIII аср фалсафаси инсонни кўпроқ эмоционал ҳиссий томондан ўрганишга уринади. Француз файласуфлари Спиноза сингари киши яхши бўлиб ҳам, ёмон бўлиб ҳам туғилмайди, деб таъкидлайдилар. Одам ўзининг шахсий манфаати учун яхши ёки ёмон ишга юради. Гельвеций ўзининг “Ақл тўғрисида”, “Инсон, унинг ақлий қобилиятлари ва тарбияси ҳақида” асарларида шахсий манфаат принципи ахлоқнинг асоси эканлигини ҳар томонлама асослаб беради. Инсоннинг ҳар қандай муҳокамаларини манфаат бошқаради, манфаат инсон фазилатларининг ягона мезонидир, деб исботлашга уриндилар. Кишиларнинг фазилатлари ва нуқсонлари фақат шахсий манфаатнинг қандайлигига боғлиқ. Аммо шахсий манфаат ижтимоий манфаатга мувофиқ келгандагина яхшиликдир, акс ҳолда у ёмонликка айланади. Шахсий манфаатларни ижтимоий манфаатлардан айирадиган ахлоқ бемаъни, инсон табиатига зид бўлган ахлоқдир, деб таъкидлайдилар. Манфаат бамисоли инсон фаолиятидаги пружина сингари объектив ижтимоий детерминизмга йўналтирилган эди. Улар уч турли манфаатлар ҳақида фикр юритадилар. Индивидуал ёки шахсий манфаатлар, хусусий манфаатлар муайян бир жамиятдаги баъзи ижтимоий гуруҳлар ёки бирлашган гуруҳларнинг манфаатлари ва ниҳоят, жамият манфаатлари ёки ижтимоий манфаатлар бунга мисол бўлади. Мазкур учта манфаат турининг ўзига хослигини аниқлаш учун ва улар ўртасидаги мутаносибликни ўрганиш ва рационал таҳлил этишга алоҳида аҳамият берадилар. Француз файласуфлари шахсий ва ижтимоий манфаатлар бирлигига эришиш ахлоқнинг асосий мақсади





деб айтдилар. Инсон хулқи, уларнинг назарида, ижтимоий ахлоқнинг асосий қисми эди, одамларнинг фароғати ҳамиша ижтимоий бахт-саодатга, ижтимоий тараққиётга боғлиқ ҳолда талқин этилди. Улар этика сиёсат билан, қонунлар билан мустаҳкам боғланган дедилар. Француз файласуфлари кишиларнинг салбий хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳукумат ва у чиқарадиган ёмон қонунлар зиммасига юклайди[6]. Улар ахлоқни мукамаллаштирмоқ учун бошқаришнинг ижтимоий шакллари ва қонунларини ўзгартириш зарур деб ҳисоблаганлар, чунки тарбия ва маърифат кўп жиҳатдан уларга боғлиқ, дейдилар. Француз мутафаккирларининг бу фикрларида жон бор, албатта. Уларни чуқурроқ мушоҳада қилсак, бугунги цивилизация даврида, глобаллашув шароитида ахлоқнинг роли, маърифатнинг кадр-қиммати ниҳоятда зарур. Забардаст инглиз мутафаккири ва ёзувчиси Бернард Шоу ўзининг: “Агар Муҳаммад пайғамбар тирик бўлганида, замонамиз муаммоларини бир пиёла чой устида ҳал қилган бўлар эди” деган сўзлари билан ифодалаган эди. Буюк олмон шоири Волфганг Гёте бундай деб ёзган: “Мен дунё тарихини ўқиб шундай хулосага келдим: дунё подшоҳлари тўплаган жами салтанату бойлик, қаср-лару саройлар Муҳаммад алайҳиссаломнинг ямоқ яқтакларига ҳам арзимас экан... Биз Оврупа миллатлари маданий имконимиз юқори бўлишига қарамай, Муҳаммад (алайҳиссалом) сўнгги поғонасига қадар чиқа олган зинанинг биринчи пиллапоясидамиз, холос. Ҳеч шубҳа йўқки, бирон кимса у зотдан юқорироққа ўта олмайди”. Бернард Шоу “Агар Муҳаммад (алайҳиссалом)дек бир одам ҳозирги дунёни бошқарганида эди, бу дунёнинг мушкулотларини ҳал қилишга муваффақ бўлар эди, бу эса, ўз навбатида, ҳозирги дунёга етишмаётган хотиржамлик ва бахтни олиб келган бўларди”, деган эди. Томас Карлайл тан олиб айтишича, Араб халқи учун бу зулматдан нурга чиқиш эди. Бу билан араблар илк маротаба бошқалар назарида жонландилар. Дунёнинг яратилишидан буён кўзга ташланмай, ўз саҳроларида изғиб юрган қашшоқ подачи халқ! Қаранг, кўзга ташланмаган халқ бугун дунёга кўз-кўз бўлди, кичик ди, оламий улуғликка





эришди. Бор-йўғи юз йил ичида араблар ғарбда Гранадагача, шарқда Дехлигача етишди, жасорат ва улуғворлик нури ила Арабистон олам кенгликларини ёритмоқда”. Франциянинг таниқли олимларидан Ламартиннинг мана бундай сўзлари бор: “Агар кишининг буюклиги унинг қилган ишларига, қозонган зафарларига, имконияти оз бўлса-да, ўп иш қилганига қараб баҳоланадиган бўлса, у инсонларнинг энг буюгидир. У киши ҳам пайғамбар, ҳам нотик, ҳам даъватчи, сиёсатчи, жангчи, қалблар ҳимоячиси, ғоялар тарғиботчиси, имом (яъни, раҳбар), давлат арбоби, ер юзининг йигирмата минтақасида исломий салтанат кура олган...”. Арасту шундай асосни яратган эдики, унга таянган Фома христианлик тушунчаси бўлган ғоявийлик ва моддийлик нисбатини аввалдан берилган шакл қоидаси (тартиб қоидаси) билан беқарор ва тўла барқарор бўлмаган модда қоидаси (борлиқнинг энг заиф кўриниши) ўртасидаги нисбатни қоидага айлантирди. Якка кўринишдаги ҳодисалар дунёси, Аквиналик Фома нуқтаи назарича шаклнинг биринчи қоидаси ва модданинг кўшилишидан туғилади. Инсоннинг руҳи эса, шакл ташкил қилувчи қоида бўлиб, ўзининг якка тарзда намоён бўлишини фақат бадан билан кўшилган ҳолатдагина қўлга киритади. Ушбу хулосавий қоида христианлик схоластикасининг энг кескин масалаларидан бирини муросасизлик жиҳатдан яқунлади. Шаклланаётган христианлик, схоластика каби, идеалистик тизим бўлиб, ўзининг моддага бўлган муносабатини талқин қилишда чуқур ташвишда эди, негаки Худонинг учинчи кўриниши бўлган Исо Масих, инсон сиймосида намоён бўлган эди, яъни ўзида ҳам илоҳий (ғоявий), ва ҳам инсоний (моддий-жисмий) табиатни бирлаштирган эди. Илоҳийлик ва инсонийликнинг кўшилиши ёлғон борлиқ сифатида моддани тўла инкор этишга, уни «ҳеч нима» (уни «ҳеч нимадан» яратилганлигини ақида талаб қилар эди) деб эълон қилишга имкон бермас эди. Шунинг учун Аквиналик Фома томонидан моддани «борлиқнинг энг заиф кўриниши» сифатида талқин қилиниши черков томонидан вужудга келган услубий ва мантиқий боши берк кўчадан чиқиш сифатида қабул қилинди.



Натижада модда схоластикада тобелик ҳолатида бўлса ҳам, қисман мавжуд бўлиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ғоявийлик ва моддийлик ҳақидаги энг кескин баҳс реалистлар (лот. *realis*–ҳақиқий, ашёвий) ва номиналистлар (лот. *nomen*–исм, ном) ўртасидаги машҳур мунозарада намоён бўлди. Гап универсалий (лот. -умумий) умумий ёки тур деб аталган тушунчаларининг табиати ҳақида борар эди. Реалистлар (Иоанн Скотт Эригуна, Кентерберийлик Ансельм, Аквиналик Фома) Арастунинг умумийлик ягоналик билан боғлиқ равишда мавжуд бўлиб, унинг шаклидир деган қоидасига асосланадилар. Аквиналик Фомада универсалийлар уч хил кўринишда мавжуд эдилар: «ашёларгача» илоҳий ақлда; «ашёларнинг ўзида» уларнинг моҳияти сифатида; ва «ашёлардан сўнг» абстракт фикрлаш натижаси сифатида инсон ақлида. Бундай Хукм юритиш фалсафа тарихида «умумий» фақат ашёлардан ташқарида мавжуд бўлади деган «ўта кескин реализм» дан фарқли ўларок, «мўътадил реализм» номини олди. Ўта кескин реализм ўзининг илдизлари билан Афлотун таълимотига бориб тақалар эди ва ўзининг идеалистик схоластикага яқин бўлиб кўринишга қарамасдан черков томонидан айнан шунинг учун қабул қилина олмас эдики, модда христианлик томонидан Исо Масихнинг икки табиатидан бири сифатида оқланган. Номиналистлар эса (Росцелин, Пьер Абеляр) «умумий» нинг объектив мавжудлигини рад этиб, универсалийлар фақат тафаккурдагина мавжуд деб ҳисоблар эдилар. Улар умумийнинг борлигини фақат муайян якка ашёлардагина эмас, балки уни «ашёларгача» ҳам мавжудлигини рад этар эдилар ва бу эса модданинг олдин келишлиги ҳақидаги шиорни қабул қилиш билан баробар эди. Росцелин фикрича, универсалийлар фақат ашёларнинг исмлари дир. Фақат якка олинган нарсалар мавжуддир. Росцелин ва бошқаларнинг номиналистик қарашлари черков томонидан маҳкум этилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**



1. Алимов Б. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ҳамкорлик: Ўзбекистонда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг концептуал масалалари // Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2016. –Б. 42.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Ҳалқ сўзи. 2019 йил.
3. Насафий Азизиддин. Буюк сиймолар. –Т.: 2005. –Б. 14.
4. Аристотель. Политика. –М., 1991. –С. 8-9.
5. 1 Юлдашева М.М. Ҳозирги даврда мафкуравий таҳдидлар намоён бўлишининг хусусиятлари ва уларнинг олдини олиш йўллари: фалсафа 12ил. Номз. ... дис. – Т., 2011. – 155 б.
6. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма / И. Исмаилов, Д. М. Миразов, Ж. С. Мухторов ва бошқ.; проф. Ў. Ҳ. Мухамедовнинг умумий таҳрири остида. Т., 2017. Б. 22–24.